

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «13» 9

341-1-18-МТ/2022-

сон

Балиқчи тумани.

Ушбу пудрат шартномаси «**Буюртмачи**» деб аталувчи **Балиқчи туман Мактабгача таълим бўлими** ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари **Ф Абдуразақкова** бир томондан ва «**Пудратчи**» деб аталувчи **AND NEW HOUSE 777** » МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари **М КАМБАРОВ** иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «**Пудратчи**» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «**Буюртмачи**»нинг топшириғига ва «06» сентябрь 2022 йилдаги № 22110012144194 сонли Лотга асосан 27-Мактабгача таълим ташкилотини биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «**Буюртмачи**» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда **329 669 659** (Уч юз йигирма тўққиз миллион олти юз олти миш тўққиз минг олти юз эллик тўққиз) сўм ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил хисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, 30 банк иш кунида «**Буюртмачи**» томонидан бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30% ини, яъни **98 900 897.70** (Тўққсон саккиз миллион тўққиз юз минг саккиз юз тўққсон етти) сўм **70.тийин** ташкил этадини олдиндан аванс тариқасида «**Пудратчи**»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган 70 % и, яъни **230 768 761.30** (Икки юз ўттиз миллион етти юз олти миш сааккиз минг етти юз олтмиш бир) сўм **30.тийин** «**Пудратчи**» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 90 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. «**Буюртмачи**» охириги тўловни «**Пудратчи**» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 90 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «**Буюртмачи**» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «**Пудратчи**»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «**Буюртмачи**»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 30 кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «**Буюртмачи**» га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «**Пудратчи**»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда хисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «**Буюртмачи**»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «**Буюртмачи**»нинг ҳуқуқлари

«**Пудратчи**»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«**Пудратчи**»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«**Пудратчи**» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га хар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

6. Коррупциявий омиллар

6.1. Томонлар, уларнинг кафилланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда иккинчи томоннинг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар таклиф қилиши, бериши, тақдим этиши тақиқланади.

6.2. Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар тақдим этиш бўйича таклифини рад қилиши лозим.

6.3. Агар шартнома иштирокчиларида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ коррупсион ҳаракат содир этилганилиги тўғрисида маълумот, шубҳа, шубҳага асос бўлувчи далилга эга бўлса, бу тўғрисида иккинчи томонга ёзма шаклда хабар бериш мажбуриятини олади.

6.4. Хабарни олган томон ҳақиқатда коррупсион ҳаракат содир этилмаганлигини ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиққа эга бўлгунича ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

6.5. Пора бериш эвазига иккинчи томон вакилини, аффилиланган шахсини, ходимини ёки шартноманинг бошқа иштирокчиларини шартнома шартларини бажаришда ўзига оғдириб олган томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

7.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иктисодий суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

8.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Фазначилик тизимидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

8.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

«Ижро қилувчи»
AND NEW HOUSE 777

«Буюртмачи»
Баликчи МТБ

(етказиб берувчи номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Адрес: __Баликчи тумани

Адрес: __Баликчи тумани

Шох куча № 2 уй

Тел./факс


Тел./факс

х/р_20208000405452743001_

ш/х* 100022860032067091100251030

Банк номи Баликчи Агробанк Баликчи
МФО_00066__ИНН 308979524_
ОКОНХ_____

Раҳбар___ М КАМБАРОВ
(Ф.И.Ш)



ИНН __305155579_____
ОКОНХ__92400_____
Баликчи тумани буйича Ҳазначилик бўлинмаси
Газна х/р:23402000300100001010
СТИР: 201122919 МФО:00014
Марказий банк Тошкент ш. Б.6 ХККМ
Раҳбар ___ Ф Абдураззакова _____
(Ф.И.О)



БАЛИҚЧИ ТУМАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЛИМИ AND NEW HOUSE 777 МСНЖ
ЎРТАСИДАГИ ИССИКЛИК ТИЗИМИ ВА ПОЛ КИСМИНИ ЖОРИЙ
ТАЪМИРЛАШ ШАРТНОМАГА 1-илова

№ П/П	НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ	СТОИМОСТЬ В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ (СУМ)
1	ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ	58684019
2	ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ	971059
3	ЗА 1 РАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ	148205478
	ИТОГО ПРЯМЫХ ЗАТРАТ	207860556
4	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ХАРАКТЕРА -	0
5	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА 18.71%	38716797
	ИТОГО	246577353
6	ЗАТРАТЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ, МЕБЕЛЬ И ИНВЕНТАРЯ	40091916
	ИТОГО	286669269
7	ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА ОБЪЕКТОВ >00%	0
8	КОЭФФИЦИЕНТ РИСКА .	0
9	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ЗАКАЗЧИКА	0
	ВСЕГО СТОИМОСТЬ В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ БЕЗ НДС	286669269
10	НДС 15%	43000390
	ИТОГО СТОИМОСТЬ В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С НДС	329669659
	ВСЕГО СТОИМОСТЬ В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ "НДС	329669659

Мактабгача таълим бўлими мудири

AND NEW HOUSE 777 МСНЖ раҳбари



Ф.Абдуразакова

М.Камбаров

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ UP72730640

1. Loyiha turi
Shartnoma
2. Loyiha nomi
Pudrat shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

"Baliqchi tuman maktabgacha ta'lim bo'limi" maktabgacha ta'lim muassasasi
tomonidan **09.09.2022 y**

4. Mas'ul ijrochi

Baliqchi tuman adliya bo'limi huzuridagi yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 6-sentyabr kuni "E-Huquqshunos" elektron tizimi orqali Baliqchi tuman 27-Maktabgacha ta'lim tashkilotini binosini joriy ta'mirlash to'g'risida "AND NEW HOUSE 777" MChJ bilan tuzilgan pudrat shartnomasi loyihasi ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan. Shartnomani o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 20.05.2022-yildagi "Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog'liq tartib-taomillarni tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori bilan tasdiqlangan "Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog'liq tartib-taomillarni tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi nizomning 161-bandiga ko'ra Tender natijalari bo'yicha shartnoma tender bo'yicha xarid qilish hujjatlarida va shartnoma tuzilayotgan tender ishtirokchisi tomonidan berilgan taklifda ko'rsatilgan shartlar asosida g'olib aniqlangan vaqtdan boshlab o'n ish kunidan kechiktirmasdan tuziladi, deb belgilangan.

Pudrat shartnomasi loyihasi joriy yilning 2022-yil 9-sentyabr kuni huquqiy ekspertizaga yuborilgan. <https://etender.uzex.uz/> elektron savdo tizimi orqali 22110012144194 raqamli lot bilan o'tkazilgan tanlovning g'olib aniqlangan vaqti 06.09.2022-yil. Bundan ko'rinadiki, mazkur pudrat shartnomasi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 20.05.2022-yildagi "Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog'liq tartib-taomillarni tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori bilan tasdiqlangan "Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog'liq tartib-taomillarni tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi nizomning 161-bandi talablariga rioya etgan xolda yuridik xizmat ko'rsatish markaziga ekspertizadan o'tkazish uchun yuborilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

XULOSA QILAMAN:

Baliqchi tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan tumandagi barcha DMTT larni binolarni tom qismi yog'och materiallari va boshqa tez alanga oluvchi qurilmalariga kimyoviy suyuqlik bilan ishlov berish to'g'risida pudrat shartnomasi loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 379, 631-moddalari, "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi va "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunlar hamda "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi Nizomning 117-bandi talablariga mos ravishda ishlab chiqilganligi sababli amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq deb topilsin.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

13.09.2022 y

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti:**



M.M.Dadaxonov

БАЛИҚЧИ ТУМАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЛИМИ AND NEW HOUSE 777 МСНЖ
 ЎРТАСИДАГИ ИССИКЛИК ТИЗИМИ ВА ПОЛ КИСМИНИ ЖОРИЙ
 ТАЪМИРЛАШ ШАРТНОМАГА 1-илова

№ П/П	НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ	СТОИМОСТЬ В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ (СУМ)
1	ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ	58684019
2	ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ	971059
3	ЗА 1 РАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ	148205478
	ИТОГО ПРЯМЫХ ЗАТРАТ	207860556
4	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ХАРАКТЕРА -	0
5	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА 18.71%	38716797
	ИТОГО	246577353
6	ЗАТРАТЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ, МЕБЕЛЬ И ИНВЕНТАРЯ	40091916
	ИТОГО	286669269
7	ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА ОБЪЕКТОВ >00%	0
8	КОЭФФИЦИЕНТ РИСКА .	0
9	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ЗАКАЗЧИКА	0
	ВСЕГО СТОИМОСТЬ В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ БЕЗ НДС	286669269
10	НДС 15%	43000390
	ИТОГО СТОИМОСТЬ В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С НДС	329669659
	ВСЕГО СТОИМОСТЬ В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ "НДС	329669659

Мактабгача таълим бўлими мудири

AND NEW HOUSE 777 МСНЖ раҳбари



Ф.Абдуразакова

М.Камбаров